4.1. Томонлар Офертанинг 8-моддасига ва ушбу Шартномага мувофик белгиланган мажбуриятларни бажармаганлиги учун Ўзбекистон Республикаси конун хужжатларида хамда Офертада назарда тутилган тартибда ва микдорларда жавобгар бўлади (Томонларга нисбатан жавобгарликнинг чекланиш холатлари бундан мустасно).

**5. Низоларни хал килиш тартиби**

5.1. Томонларнинг ушбу Шартномани бажариш билан боғлик масалалар бўйича барча низолари ва келишмовчиликлари Ўзбекистон Республикаси конунчилигига мувофикхамда низоларни судгача хал этиш тартибига Офертанинг 11-моддаси талаблари асосида риоя килинган холда ўзаро келишув оркали хал килинади.

5.2. Томонлар ўртасида юзага келган низо ва келишмовчиликларни ўзаро келишув оркали хал этишнинг имкони бўлмаган такдирда, низолар Ўзбекистон Республикаси конун хужжатларига мувофик иктисодий судида кўриб чикилади.

**6. Алохида шартлар**

6.1. Томонлар мазкур Шартноманинг амал килиш даврида ўз хукуклари ва мажбуриятлари билан боғлик равишда Ўзбекистон Респбликасининг коррупцияга карши курашишни тартибга солувчи конун хужжатлари нормаларини бузиши мумкин бўлган хар кандай чоралар кўрмасликлари ёки хатти-харакатларини содир этмасликлари юзасидан мажбуриятларини катъий эътироф этган холда, ўзаро хамкорлик маданиятини юкори даражада таъминлаш ва коррупция холатларига муросасиз курашиш чораларини кўради.

6.2. Мазкур Шартноманинг амал килиш даврида Томонларнинг иродаси ва фаолиятларига боғлик бўлмаган хар кандай холатларда ва ходисаларда (енгиб бўлмайдиган кучлар/форс-мажор холатлари) Офертанинг 10-моддаси коидаларига амал килинади.

6.3. Абонентнинг ёзма/электрон шаклда таклим этилган ариза/эътирознома/шикоят/таклиф кўринишидаги мурожаати кўпи билан 30 (ўттиз) кун давомида кўриб чикилади ва тегишли шаклда жавоб берилади. Бунда мурожаатни кўриб чикиш учун 15 (ўн беш) кундан ортик муддат талаб этилса, Абонент (мурожаат муаллифи) Оператор томонидан бу хакда мажбурий равишда хабардор килинади.

**7. Якуний коидалар**

7.1. Ушбу Шартноманинг барча мухим шартлари Офертага мувофик белгиланади. Ушбу Шартномада ёки Офертада назарда тутилмаган холларда Томонлар Ўзбекистон Республикаси конун хужжатларига амал килади.

7.2. Ушбу Шартнома Томонлар ўртасида имзоланган пайтдан бошлаб, кучга киради ва 2022 йил 31 март га кадар амал килади. Агар, Шартноманинг белгиланган амал килиш муддати тугаганидан сўнг, Томонлар (бюджет ташкилоти бўлган Абонентга татбик этилмайди) ўз шартларини бажаришни давом эттирса ва Томонларнинг хеч бири унинг бекор килинишини эълон килмаган бўлса, Шартнома хар бир кейинги йилга узайтирилади.

7.2.1. **Бюджет ташкилоти бўлган Абонент** учун ушбу Шартнома ваколатли давлат органларида рўйхатга олинган кундан бошлаб кучга киради ва 2022 йил "31" март кадар амал килади.

7.2.2. Абонент томонидан ушбу Шартноманинг имзоланиши - Оферта акцептини (Абонентнинг Оферта шартларини кабул килганлиги хакидаги жавобини) билдиради.

7.3. Ушбу Шартнома, шу жумладан, Операторнинг расмий веб-сайтида эълон килинган Оферта, илова ва кўшимчалар (агар мавжуд бўлса) Шартнома предмети юзасидан Оператор ва Абонент ўртасида тўлик Шартномани ташкил этади.

7.4. Томонларнинг манзиллари ва банк реквизитлари, уларнинг таъсис хужжатлари (мулкдорлари) ўзгарган такдирда, шу жумладан ташкилий-хукукий шаклининг ўзгариши ва бошка ўзгаришлар рўй берган такдирда Шартнома ўз кучида колади. Томонлар бундай ўзгаришлар амалга оширилган кундан бошлаб, **10 (ўн) календарь кун** ичида бир-бирларини хабардор килишлари шарт.

7.5. Ушбу Шартномага ўзгартиришлар ва кўшимчалар киритилганда (агар улар ёзма равишда расмийлаштирилган бўлса) ва ушбу харакатлар Томонларнинг ваколатли шахслари томонидан имзоланган хамда Томонларнинг мухрлари (мавжуд бўлган такдирда) билан тасдикланган бўлса, хакикий хисобланади.

7.6. Ушбу Шартнома давлат тилида, 2 (икки) нусхада расмийлаштирилган бўлиб, бир хил юридик кучга эга ва хар бир Томон учун битта нусхадан берилади.

## 8. Томонларнинг манзиллари ва банк реквизитлари:

| ОПЕРАТОР: | АБОНЕНТ: |
|---|---|
| "Ўзбектелеком" АК<br>Самарканд филиали | Монополияга карши курашиш |
| Манзил: 140103. г.Самарканд,ул.М.Улугбека,92 | Манзил: Гагарин 36 Самарканд шахар |
| Банк маълумотлари: | Банк маълумотлари: |
| х/р: 20210000804074838397; | х/р: 100021860184017049993278001 |
| СТИР:203366731; | СТИР: 306 250 444; |
| МФО:00401; АТБ "Алокабанк" | МФО: 00014; Банк номи:________; |
| Тел: | Тел: ________; |
| E-mail: samtel@...com.uz; | E-mail: ________; |
| Оператор номидан:<br>[illegible]назаров Н.Т.(Ф.И.Ш) | Абонент номидан:<br>Ф.И.Ш. А. Ражабов<br>Ж. Мардонов |

Scanned by CamScanner

2022 йил "21" январьдаги
1905711754/1–сонли абонент шартномасига
1–илова

**Кўрсатиладиган хизматлар**

## 1. Хизматлар рўйхати ва хизматлар учун тарифлар

Ўлчов бирлиги -Миллий валюта(сўм)

| т/р | Хизматларноми | ҚҚС билан нархи (миқдори) | Асос | Миқдори | Ой (сони) | 15% ҚҚСбиланТўлов миқдори, (сўмда) |
|---|---|---|---|---|---|---|
| 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | | 6 |
| | I. Бирмарталик тўловлар | | | | | |
| 1.1 | Битта (шаҳар, туман) рақамидан фойдаланиш ҳуқуқини тақдим этиш (бир марта тўланадиган тўлов) **(662333133 бошқа манзилга кўчириш 40%)** | Категория 7 (40%) 160 000,00 13 054,00 | 125-1/7-сонли нархномага мувофик амалга оширилади | 1 | | 173 054,00 |
| | II. Ҳар ойлик абонент тўловлари | | | | | |
| 2.1 | Бир ойлик абонент тўлови``Оддий``тариф режаси (180 минут, лимитдан ортиқ сўзлашув 12 сўмдан) | | 125-1/7-сонли нархномага мувофик амалга оширилади | | | |
| 2.2 | Қушимча хизмат турлари (телеграф, факс, АОН, параллель, прямой провод,пароль, соед.линия,переадр., охран.сигн. ва х.к.) | | 125-1/7-сонли нархномага мувофик амалга оширилади | | | |
| 2.3 | Лимитдан ортиқ сўзлашув (ўртача) | | 125-1/7-сонли нархномага мувофик амалга оширилади | | | |
| | Жами (олдиндан тўлов) | | | | | |

Жами олдиндан тўлов миқдори 173054 (________________) сўм, шу жумладан, ҚҚС 15 % миқдорида.

Шартноманинг умумий миқдори ________ ( 173054 ) сўмни ташкил этади. Ундан **20 700,00 (йигирма минг етти юз)** сўм миқдорида ойлик абонент тўлови ҳамда **173 054,00 (бир юз етмиш уч минг эллик тўрт)** сўм бир маротабалик уланиш учун рўйхатга олиш тўлови.Шартнома бўйича тўлов суммасидан ошган ҳолларда ортиқча сарфланган (лимит) трафик учун тўловлар ҳисоб-фактурага асосан амалга оширилади.

**ОПЕРАТОР:**
"Ўзбектелеком" АК
Самарқанд филиали

Оператор номидан:

Директор ____________ /Эшназаров Н.Т./
/имзо/
м.ў.

**АБОНЕНТ:**

Абонент номидан:

А. Рожабов
/имзо/
м.ў.

Scanned by CamScanner